

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**Н.А.Муслимов**

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ **2015 йил**

**ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**Тузувчи: *Д.Рўзиева* - педагогика фанлари доктори.**

**Тошкент -2015**

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                                                                    |           |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....</b>                                                                                                      | <b>3</b>  |
| <b>МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....</b>                                                                                                       | <b>11</b> |
| 1-мавзу: Педагогик мулоқот касбий-педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида. Педагогик мулоқотнинг тузилиши ва методлари. .... | 11        |
| 2-мавзу: Мулоқотни ташкил этиш технологияси. ....                                                                                  | 27        |
| 3- мавзу: Педагогик низо ва унинг сабаблари. ....                                                                                  | 36        |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                       | <b>45</b> |

## ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### Кириш

Педагог бевосита шахсларга муомалада ўз тарбияланувчилари, умуман жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади.

Педагог айнан мулоқот жараёнида тингловчисининг ҳатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий вазиятларни турли сабабларда пайқаб олади, бунинг учун намуна у ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвори усулларида фойдаланади.

Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади.

Талабалар билан муомала қилиш педагогнинг ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳоратини тақозо этади.

Сўзлашишни, мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориши лозим. У дарсни самарали олиб боришни, сўзлашишни билиши, лекция, суҳбат, ҳикоя қилиш каби усуллардан фойдаланиш, умуман бутун таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан мулоқотни йўлга қўя билиш лозим.

Педагог ахлоқ-одоб меъёри даражасидан чиқмаслиги, одоб-ахлоқ борасида ўз ўқувчиларига ўрнак ва намуна кўрсатмоғи лозим. Педагогик назокат меъёр туйғуси ўз ўқувчилари билан тўғри муносабатда амал қилишдир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи соҳасидаги хулқ-атворини белгилаб беради. Ўқитувчининг педагогик одоби мазмуни ва уни намоён бўлиш шакллари белгилаб берадиган айрим ижтимоий йўл-йўриқларни кўриб чиқамиз.

Тарбиячи-ўқитувчи, ўқувчилар билан ахлоқий суҳбатлар, одоб нормалари юзақидан савол-жавоблар, тарбиявий соатлар, тарбиявий тадбирлар ўтказиш маҳоратига эга бўлишлари, болаларни тўғрилиқка, сахийликка, одоблиқка, ёмон фазилатларини йўқотишга, ўзида бор нуқсонларни бартараф этишга ундашлари, уларни хайрли ишларга ундашлари жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Таълимдаги нутқлар аввало ўқитувчига боғлиқ, у мутахассис сифатида ўз фанини билиши, педагогик мулоқот устаси бўлиши психологик-педагогик ва услубий малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиш ва баҳолаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг мақбул усул ва воситаларини танлаб олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат, ўқувчиларнинг билим фаолиятини шакллантириш уларнинг дунёқарashi, фикр ва эътиқодларини шакллантириш ва уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборатдир. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради, ўқувчи эса уни фаол ўзлаштириб олиши зарур, билиш мураккаб қийин зиддиятли жараёндир. Бу жараён инсон психикасига тегишли сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби жараёнларнинг фаол иштирокида олинади, бу жараёнда ўқитувчи муҳим роль ўйнайди.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Педагогик мулоқотни ташкил этиш технологияси” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини педагогик мулоқот технологияларига доир билимларини такомиллаштириш, мулоқотни ташкил этиш психологиясини ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Педагогик мулоқотни ташкил этиш технологияси” модулининг вазифалари:**

- педагогик мулоқотни ташкил этишнинг ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;

- тингловчиларда педагогик мулоқотни ташкил этиш технологиясидан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

**1.** Тингловчиларнинг педагогик мулоқот услублари, мулоқот маданияти; коммуникация методлари, коммуникатив таъсир этиш технологияси, шунингдек ўқитувчининг коммуникатив малакаси ҳақидаги билимларини такомиллаштириш

**2. Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Педагогик мулоқотни ташкил этиш технологияси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

**Тингловчи:**

1. Педагогик фаолият шарт-шароитларини таҳлил этиш; мулоқотни режалаштириш;

2. Педагогик мулоқотни амалга ошириш йўллари; талабалар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатни таҳлил этиш ва уни коррекциялаш.

3. Педагогик мулоқотдаги психологик тўсиқлар ва уларни бартараф этиш технологияси.

4. Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари.

5. Мулоқотнинг индивидуал услубини шакллантириш ҳақидаги **билимларга эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- Педагогик мулоқотни ташкил эта олиш;

- Педагогик мулоқотни лойиҳалаш ва режалаштириш;

- Педагогик мулоқот жаоаёнида шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

- таълим оловчиларнинг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;

- педагогик низоларни бартараф этишнинг самарали йўллари олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **кўникмаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- мулоқот жараёнидаги психологик барьерларни ижобий ҳал этишни ташкил этиш;

- мулоқотни амалга оширишда талабалар билан ҳамкорликка эришиш;

- мулоқот жараёнида ижодий муҳитни яратиш;
- педагогик мулоқот жараёнида тингловчилар шахсини ҳурмат қилишга, уларнинг эркин мулоқотга киришишга ўргатиш **малакаларини эгаллаши**;

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Педагогик мулоқотни ташкил этиш технологияси” модулини ўқитиш жараёнида куйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Педагогик мулоқотни ташкил этиш технологияси” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулнинг “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ва “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” субмодуллари ҳамда “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик мулоқот қилиш технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

| №  | Модул мавзулари                                                                                                      | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат |                         |          |                 |                 |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|-------------------------|----------|-----------------|-----------------|
|    |                                                                                                                      | Хаммаси                           | Аудитория ўқув юкلامаси |          |                 | Мустақил таълим |
|    |                                                                                                                      |                                   | жумладан                |          |                 |                 |
|    |                                                                                                                      |                                   | Жами                    | Назарий  | Амалий машғулот |                 |
| 1. | Педагогик мулоқот касбий-педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида. Педагогик мулоқотнинг тузилиши ва методлари. | 2                                 | 2                       | 2        |                 |                 |
| 2. | Мулоқотни ташкил этиш технологияси                                                                                   | 4                                 | 2                       | 2        |                 | 2               |
| 3. | Педагогик низо ва унинг сабаблари.                                                                                   | 2                                 | 2                       | 2        |                 |                 |
| 4. | Педагогик мулоқотнинг тузилиши ва методлари.                                                                         | 2                                 | 2                       |          | 2               |                 |
| 5. | Педагогик мулоқотдаги психологик тўсиқлар ва уларни бартараф этиш технологияси.                                      | 2                                 | 2                       |          | 2               |                 |
| 6. | Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари.                                                                           | 2                                 | 2                       |          | 2               |                 |
|    | <b>Жами</b>                                                                                                          | <b>14</b>                         | <b>12</b>               | <b>6</b> | <b>6</b>        | <b>2</b>        |

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Педагогик мулоқот касбий-педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида. Педагогик мулоқотнинг тузилиши ва методлари.**

Педагогик мулоқот услублари. Мулоқот маданияти. Коммуникация методлари. Ўқитувчининг коммуникатив малакаси. Коммуникатив таъсир этиш технологияси. Ўқитувчининг коммуникатив маданияти.

**2-мавзу: Мулоқотни ташкил этиш технологияси.**

Педагогик фаолият шарт-шароитларини таҳлил этиш; мулоқотни режалаштириш. Педагогик мулоқотни амалга ошириш йўллари; талабалар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатни таҳлил этиш ва уни коррекциялаш. Педагогик мулоқотдаги психологик тўсиқлар ва уларни бартараф этиш технологияси.

### **3- мавзу: Педагогик низо ва унинг сабаблари.**

Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари. Мулоқотнинг индивидуал услубини шакллантириш. Педагогнинг шахсий сифатларининг педагогик мулоқотни ташкил этишдаги аҳамияти.

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

1- **Амалий машғулот** Педагогик мулоқотнинг тузилиши ва методлари.

Мулоқотнинг тузилиши. педагогик мулоқотни ташкил қилиш методлари. Педагогнинг коммуникатив қобилияти.

2- **Амалий машғулот** Педагогик мулоқотдаги психологик тўсиқлар ва уларни бартараф этиш технологияси.

Педагогик мулоқотни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш. Талабалар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатни таҳлил этиш ва уни коррекциялашнинг самарали йўлларининг таҳлили. Педагогик мулоқотдаги психологик тўсиқлар ва уларни бартараф этиш имкониятларини ўрганиш.

3- **Амалий машғулот** Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари.

Педагогик низоларнинг олдини олишнинг самарали усулларини қўллаш йўллари. Мулоқотнинг индивидуал услубини шакллантириш. Педагогик мулоқот жараёнида ўқитувчининг шахсий сифатларининг аҳамиятини интерфаол усуллар орқали ўрганиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон». –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.
23. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
24. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.
25. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
26. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
27. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент. 2013
28. Н.Саъдуллаев «Гўзалликнинг сирли олами». Тошкент 1999 й.
29. Ю.Ш.Азларов. Тарбиялаш маҳорати. Тошкент, 1991 йил.
30. Ижодкор ўқитувчилар изидан. Тошкент. 1989 йил.
31. Ижодкор ўқитувчилардан сабоқ. Тошкент. 1989 йил. Ж.Ғ.Йўлчиев.



32. Н.И.Ильин. Муомала санъати. Пед.изланиш. И.П. Бажанова. Т. Ўқитувчи 1990 йил.
33. Ижодкор ўқитувчилар изидан. Т. 1989 й.
34. Аждодлар ўгити. Хикматлар, хикоялар. Тошкент. Чўлпон нашриёти. 1991 й.
35. Кайковус. Қобуснома. Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1973 й.
36. Муомала тренинги. Тошкент 1994 й.
- Т.Курбонов «Одобнома» Ўқитувчи 1995- йил 43-59 бетлар.
37. «Одоб бўстони ва ақл гулистони.» Тошкент. Фан нашриёти 1994 йил 108-127 бетлар.
38. Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1992 й.
39. Донишмандлар тарбия хусусида. Тошкент 1982
40. Р.Маҳмудов. Девонимниулусга марғубот. 1992 й. 15-17 бет.
41. С.Иномхўжаев. бадий ўқиш асослари. Тошкент.1973 й.
42. С.Иномхўжаев., Л.Хўжаева Бадий сўз санъати. Тошкент.1972 й.
43. С.Иномхўжаев. Ифодали ўқишнинг назарий асослари. Тош.1972 й.
44. Ш.Азаров. тарбиялаш маҳорати. Тошкент. 1991 й.
45. Н.Головин. Основы культуры речи. Москва.1992 йил.
46. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
47. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.
48. Сериков В. В. Обучение как вид педагогической деятельности: учебное пособие для вузов / В. В. Сериков; под ред. В. А. Сластенина, И. А. Колесниковой. – М.: Академия, 2008.
49. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.
50. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006.
51. Adam, R. The Process of Educational Innovation I R. - Lnd, 1991.
52. Bassett G. Innovation in Primary Education. - Lnd: 1992.
53. Beverly D. Inquiry Based Teacher Education / D. Beverly, D. Shaklee, K. Cushner II. Педагогическое образование для XXI века. - М.: 1994.
54. Blan W.E. Handbook for developing Competency-Based Training Programs I W.E. Blank. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002.
55. Chambers W.N. Creative Scientist of Today I W.N. Chambers II Science. -L.: 1994. - Vol. 145.
56. Cowen E.L. Stress Reduction and Problem-Solving Rigidity I EX. Cowen II J. Consult. Psychol. - N. Y: 1992. - Vol. 16.

### **Интернет маълумотлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

10. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

11. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

12. [www.grain. Ru](http://www.grain.Ru)

13. [www.plant protection.com](http://www.plant protection.com)

14. [www.alias.ru](http://www.alias.ru).

15. [www.chemistry.ru](http://www.chemistry.ru)

16. [www.mmlab.ru](http://www.mmlab.ru)

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**1-мавзу: Педагогик мулоқот касбий-педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида. Педагогик мулоқотнинг тузилиши ва методлари.**

**Режа:**

1. Педагогик мулоқот услублари.
2. Мулоқот маданияти.
3. Коммуникация методлари.
4. Ўқитувчининг коммуникатив малакаси.
5. Коммуникатив таъсир этиш технологияси.
6. Ўқитувчининг коммуникатив маданияти.

**Таянч тушунчалар:** мулоқот, коммуникация, вербал коммуникация, нутқ фаолияти, фаол нутқ, пассив нутқ, ташқи нутқ, монолог, ички нутқ, мимика, пантомимика.

Мулоқот инсон ҳаёти ва фаолиятининг муҳим шартидир. Айнан мулоқот ёрдамида инсонлар табиатини ўзлаштириш ва ўз индивидуал эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладилар. Мулоқот жараёнида инсон хулқ-атворининг муайян образ ва моделлари шаклланиб, кейинчалик улар инсоннинг ичига киради. Шахснинг тафаккури, олами ва ўзининг образини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш қобилияти мулоқот жараёнида шаклланади. Мазкур муаммога атрофлича баҳо берган польшалик психолог Е.Мелибруда қуйидагиларни таъкидлайди: “Мулоқот шахслараро муносабатларда биз учун ҳаводек аҳамиятга эгадир”.

Мулоқот ўта мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унга ягона тўғри таърифни бериш жуда мушкул. Шунинг учун одатда мулоқот тушунчасининг мазмуни унинг айрим томонларига урғу бериш орқали таърифланади.

А) **мулоқот**-хамкорликда фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни .

Б)**мулоқот** - субъектларнинг белгилар тизими орқали ўзаро таъсирланишуви.

А.В.Петровский таҳрири остида чиққан «Умумий психология» дарслигида

**мулоқот**тикки ва ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ахборот айрибошлаш ўзаро таъсир ва бир-бирини тушунишдан иборат жараён сифатида эътироф этилади.

М.Г.Давлетшин муаллифлигида чоп этилган «Умумий психология» ўқув қўлланмасида **мулоқот**-бу икки ёки ундан ортиқ кишилар орасидаги аффектив баҳоловчи характерда ва билиш бўйича маълумот алмашилишидан иборат бўлган ўзаро таъсир этишидир”-деб таъкидланади.

М.Г.Давлетшин раҳбарлигида чоп этилган «Психология» қисқача изоҳли луғатида мулоқотга қуйидагича таъриф берилади: **мулоқот**- икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этишидир.

Юқоридаги таърифларга мувофиқ **мулоқотга** умумий тарзда қуйидагича таъриф бериш мумкин: мулоқот- камида икки кишининг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бу таъсир давомида ахборот алмашинади, муносабат ўрнатилади, ривожлантирилади.

Мулоқот тушунчасини коммуникация тушунчасидан фарқлаш лозим. **Коммуникация**-тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши буларнинг барчаси коммуникацияга мисол бўлади. Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин. Мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти бекиёсдир. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда, муносабатда бўлиш жараёнида шахсга айланиб боради. Мулоқот орқали инсон ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради. Янги туғилган инсон бошқалар билан мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлса, у ҳеч қачон шахсга айлана олмайди, яъни у ўз психик тараққиёти бўйичаорқада қолиб кетади. Зеро, инсон психик тараққиёти мулоқотдан бошланади.

Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради. Ҳамкорликдаги фаолият режасини тузиш ва уни руёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда

фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Мулоқот инсон ҳаётида қанчалик юксак аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисолларда яққол кўришимиз мумкин:

1-мисол 1938 йил Ричард Бард ўз хоҳиши билан Антарктида музликларида 6 ой танҳо қолади. Бир томондан у тажриба натижаларига қизиқса, иккинчи томондан кундалик ҳаётнинг ғала-ғовуридан биров дам олишни истаган эди. Кейинчалик у мазкур даврни қуйидаги сўзлар билан эслайди «Бу ердаги ҳаётим давомида бора-бора ҳар бир ҳаракатим ҳар бир ишим тобора мазмунсиз, мантиқсиз, мақсадсиз бўлиб бораётгандай эди. Хавф хатарлардан кўркмайдиган одам бўлсам-да, негадир бу ерда томнинг босиб қолишидан хавфсирай бошладим. Овқатланишимда мунтазамлик йўқолди, ювинмай қўйдим».

2-мисол. Тарихда японларда «Моритао» номли инсоннинг ўзини-ўзи такомиллаштириш тизими мавжуд бўлган. Ваҳоланки, инсон ҳеч қандай жисмоний азобларга дучор бўлмайди. Фақатгина бир ҳафтага ғорга кириб кетиб, у ерда танҳо қолади. Бу ерда у ҳатто ўзи билан гаплашиши мумкин бўлмаган. Синовдан ўтганлар кейинчалик ҳар қандай учрашув ва суҳбатни хурсандчилик билан қарши оладилар. Қизиғи шундаки, уларда кўпроқ гапириш эҳтиёжи эмас, балки тинглаш эҳтиёжи кучаяр экан.

3-мисол. Бир пайтларда Америкада барча тамаддихоналарни автоматлаштириш авж олган эди. Аммо кўп ўтмай уларнинг эгалари касодга учрай бошлади. Маълум бўлишича, бу ерга одамлар нафақат таммади қилиш, балки суҳбатдош топиш учун ҳам келганлар.

Бундан кўринадики, инсонлар доимо мулоқотга эҳтиёж сезадилар ва уни қондиришга ҳаракат қиладилар.

Мулоқот жараёнида мулоқот функциялари ҳам муҳим роль ўйнайди. Мулоқот функциялари деганда мулоқотнинг инсон ҳаётида бажарадиган функциялари тушунилади. Мулоқот функциялари хилма-хил бўлиб, энг кенг тарқалган таснифга кўра, яъни Б.Ф.Ломов томонидан таклиф қилинган бўлиб, у қуйидагилардан иборат.

➤ Информацион-коммуникатив функция, ахборот алмашувини таъминлаш вазифаси. Ахборот алмашувини турли белгилар тизимлари орқали амалга оширилади. Одатда вербал ва невербал коммуникация фарқланади.

➤ Регуляцион-коммуникатив функцияси суҳбатдошлар хулқ-атворининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Индивидлар мулоқот жараёнида вербал йўллар билан бир-бирининг мотивларига, мақсадларига, қарор қабул қилишига таъсир ўтказиши, бирор ҳаракатга ундаши ва ҳаракатини назорат қилиши, бир-бирининг хулқ-атворида стимуллаштирувчи ва коррекцияловчи тарзида таъсир кўрсатиши мумкин.

➤ Аффектив-коммуникатив функция инсон эмоционал соҳасининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Мулоқот инсон эмоционал ҳолатларининг энг муҳим детерминациясидир. Чунки турли туман эмоционал ҳолатлар мулоқот жараёнида пайдо бўлади ва ўзгаради.

Л.А. Карпенко таклиф этган таснифга кўра, мулоқотнинг қуйидаги вазифалари ажратиб кўрсатилади.

✓ Алоқа ўрнатиш вазифаси - суҳбатдошни алоқага киришиш учун тайёрлаш;

✓ Информацион вазифа- суҳбатдош билан муайян маълумотлар, фикрлар ва режаларни алмашиш;

✓ Фаолиятга ундаш- суҳбатдошни бирор ҳаракатни бажаришга стимуллаштириш;

✓ Координацион вазифа- суҳбатдош билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

✓ Тушунишни таъминлаш вазифаси- суҳбатдошнинг фикрлари ва ҳиссиётларини тушуниш;

✓ Амотив вазифаси-суҳбатдошда муайян ҳиссиётларни уйғотиш ҳамда уларни ўзгартириш;

✓ Муносабат ўрнатиш-муносабатлар тизимидаги шахсий ўрнини, мавқеини аниқлаш;

✓ Таъсир кўрсатиш-суҳбатдошнинг хулқ-атвори шахсий хусусиятлари мақсадлари ва установакаларини ўзгартириш.

### **Мулоқотнинг коммуникатив томони**

Биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, ҳис кечинмалар билан ўртоқлашадилар. Бунда ўй-фикрлар, ҳис-кечинмаларни ахборот сифатида, коммуникацияни эса ахборот алмашинуви сифатида талқин этиш мумкин. Аммо шуни эътиборга олиш керакки инсонлараро коммуникация шунчаки ахборот алмашинувидан иборат эмас. Чунки мулоқот жараёнида ахборот нафақат узатилади, балки шакллантирилади, аниқлаштирилади, ривожлантирилади. Демак, инсон мулоқотни шунчаки ахборот алмашинувидан иборат жараён деб ҳисоблаши мумкин эмас. Зеро, биринчидан мулоқот жараёнида ахборот бир томондан иккинчи томонга шунчаки ҳаракатланмайди, балки фаол алмашинади (коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирига ахборот юбораётганда бир-бирининг мотивлари, мақсадлари, установакалари ва бошқаларни таҳлил қиладилар); иккинчидан мулоқот жараёнида ахборот алмаша туриб кишилар белгилар орқали бир-бирига таъсир этиши мумкин (инсонлараро ахборот алмашинувида, албатта суҳбатдош хулқ-атворида муайян таъсир ўтказилади); учинчидан мулоқот жараёнида коммуникатор (ахборот юборётган одам) ва реципиент (ахборотни қабул қиладиган одам) бир хил кодлаштириш тизимига эга бўлиши керак, тўртинчидан мулоқот жараёнида фақат инсонлараро коммуникацияга хос тўсиқлар вужудга келиши мумкин.

Коммуникатив жараёнда қўлланиладиган бир неча белгилар тизими мавжуд. Улар вербал коммуникация (нутқ орқали) ва невербал (нутқ билан боғлиқ бўлмайдиган белгилар орқали) коммуникациядир.

**Вербал коммуникация.** Инсон нутқи белгилар тизими сифатида қўлланилади. Нутқ- инсон томонидан қўлланиладиган товуш сигналлари ёки ёзма белгилардан иборат бўлиб, улар орқали мулоқотдан олинган маълумот қайта ишланади, сақланади ва узатилади. У жараён тил орқали амалга оширилади. Тил сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнида психик фаолият маҳсули бўлиб юзага келади.

Тил муомала воситасидир. **Тил** муомалага киришувчилар ўртасидаги коммуникацияни таъминлайди, чунки уни ахборот берувчи ҳам, уни қабул қилувчи ҳам бирдай тушунади. Бошқа кишига ахборот берувчи (коммуникатор) ва уни қабул қилувчи (реципиент) мулоқот жараёнида бир хил тилдан фойдаланиши керак, акс ҳолда бир-бирини тўғри тушунолмайди. Ахборот алмашиш муомала қатнашувчиларига тушунарли белги ва мазмунга эга бўлиши керак. Тил сўз белгилари йиғиндисидан иборатдир. Сўзнинг маъноси унинг мазмуний томонидир. Ҳар бир алоҳида одамнинг ҳаракатлари ва фаолиятларини бошқа одамнинг ҳаракати ва фаолиятларини 3 та муҳим омил белгилайди.

*Биринчидан*, бутун инсониятнинг ёки бир мунча тор доирадаги кишилар жамоасининг ижтимоий-тарихий тажрибасини белгилайди. Кичкина бола дунёни мустақил равишда билиб олмайди. У ота-онасига саволлар беради ва улар унга жавоб берадилар, бу жавоблардан бола ўз фаолиятини кейинчалик фойдаланадиган умумий билимларнинг фақат озгина қисмини олади. Умумий билимларнинг бу озгинагина қисмини бола тил шаклида, тил ёрдамида сўз белгилари тизимида ҳосил қила олади. Мактабда ҳам худди шундай бўлади, ўқувчи олам ҳақида барча билимларни ўқитувчининг тушунтиришидан ёки дарслиқдан, яъни тил ёрдамида ўзлаштиради. Бу ерда тил ўзининг муҳим вазифаларидан бирини бажарадиган, яъни яшаш воситаси, ижтимоий-тарихий тажрибани бериш ва ўзлаштириш воситаси тарзида намоён бўлади.

*Иккинчидан*, ҳар бир алоҳида одамнинг иш-ҳаракати ва фаолиятини кўпинча ижтимоий қийматга эга бўлмаган ўзга кишиларнинг бевосита тажрибаларини белгилайди. Масалан, мен ошхона томон йўл оламан. Йўлда ўртоғим учраб менга: «ошхона ёпилган», дейди. Шу пайтда бу хабар менинг фаолиятимни маълум бир тарзда бошқаради: мен қайрилиб, бошқа ошхона томон жўнайман. Бу ерда тил ўзининг бошқа муҳим вазифаси билан, яъни восита ёки коммуникация усули ёки оламнинг хатти-ҳаракатларини бошқарувчи бир восита сифатида намоён бўлади. Натижада ҳар қандай коммуникация, ҳар қандай муносабат суҳбатдошига таъсир қилишдан иборатдир.



*Учинчидан*, ҳар бир алоҳида одамнинг иш-ҳаракатлари ва фаолиятларини ҳар бир айрим кишиларнинг шахсий тажрибаси белгилайди. Одамнинг «шахсий» ўз индивидуал тажрибаси бошқа кишиларнинг тажрибалари ва ижтимоий тажрибанинг ўзига хос аралашмасидан иборат. Одам ҳайвондан фарқли ўлароқ, ўз ҳаракатларини режалаштира олади. Бундай режалаштириш ва умумий фикрий масалаларни ҳал қилишнинг асосий қуроли тилдир. Бу ерда биз тилнинг учинчи вазифаси ақлий фаолиятнинг (идроқ, хотира, тафаккур, хаёл) қуроли сифатидаги вазифасига тўқнаш келдик. Сўз белгилари тизими сифатида тилдан нутқ фаолиятида фойдаланилади.

**Нутқ фаолияти** – одам томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация ўрнатиш, ўз ҳаракатларини режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир. Тил алоқа воситаси ёхуд қуролдир, нутқ фаолияти ёки нутқ эса алоқа жараёнининг ўзидир. Бу жараёнда нутқ фаолиятининг фаол ва пассив турлари фарқланади. Сўзловчининг нутқи **фаол нутқ**, тингловчининг нутқи **пассив нутқ** ҳисобланади. Нутқ ички ва ташқи нутққа бўлинади. **Ташқи нутқ** – ёзма ва оғзаки нутққа, оғзаки нутқ эса монолог ва диалогик нутққа бўлинади. **Монолог** – бир кишининг ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқидир. Бу ўқитувчининг баёни, ўқувчининг тўлароқ жавоби, маъруза ва бошқалардир. Монологик нутқ маълум қийинчиликларга эга. Монологда гапираётган киши фикрларнинг аниқлигига, грамматик қоидаларнинг сақланишига, мантиқ ва айтилаётган фикрларнинг изчиллигига эътибор бериши керак. Диалогик нутққа нисбатан монологик нутқ кечроқ шаклланади. Мактабда ўқитувчилар ўқувчиларда монологик нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари керак. Икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги нутқ-**диалог** дейилади. Диалогик нутқда баён қилинаётган фикр кўп жиҳатдан ундан олдинги фикрга боғлиқ бўлади. Диалогик нутқда суҳбатдошларга маълум бўлган айрим сўзлар тушириб қолдирилади. Шунинг учун ёзиб олинган диалог бошқаларга унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин: Диалогик нутқда ҳар хил турдаги шаблонлар, яъни одатланиб қолинган сўз бирикмаси кўп учрайди (қойил, марҳамат қилиб

айтингчи). Нутқнинг **ички нутқ** деб аталган тури нутқ фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади. Ички нутқ амалий ва назарий фаолиятни режалаштириш фазаси сифатида намоён бўлади. Биз сўзни чала-ярим айтишимиз биланок тушунаверамиз. Ички нутқ айрим оғзаки нутқ актларидан илгарироқ, хусусан ихтиёрийлик даражаси анча юксакроқ бўлган оғзаки нутқдан илгарироқ содир бўлиши мумкин. Ёзма нутқ монологик нутқнинг турларидан бири бўлиб, ёзма нутқ монологик нутққа нисбатан батафсилроқдир.

### **Мулоқотнинг коммуникатив акти сифатида қуйидагиларни тасаввур этиш мумкин**

|                       |                                                 |
|-----------------------|-------------------------------------------------|
| Коммуникатор адресант | Мулоқот субъекти сифатидаги омил намоён бўлади. |
| Рецепиент адресат     | Бу маълумот кимга узатилмоқда                   |
| Маълумот              | Нима узатилмоқда                                |
| Код                   | Қандай воситалар асосида                        |
| Мақсад                | Нима учун узатилмоқда                           |
| Алоқа канали          | Овоз, хат, эфир орқали алоқа                    |
| Натижа                | Нимага эришилди.                                |

Шунингдек америкалик журналист Г.Лассуэл беш унсурдан иборат бўлган коммуникатив жараённинг моделини таклиф этади.

- ✓ Ким (ахборот ким томонидан узатилмоқда)
- ✓ Нима ( қандай ахборот узатилмоқда)
- ✓ Қандай (ахборот қандай йўл билан узатилмоқда)
- ✓ Кимга (ахборот кимга йўналтирилмоқда)
- ✓ Қанчалик самарали (ахборот қанчалик самарадор узатилди)

Коммуникатив жараён аксиал (бунда ахборот айрим аниқ одамларга йўналтирилади) ёки ретиал (бунда ахборот бир қанча эҳтимол қилинаётган реципиентларга йўналтирилади) характерда бўлиши мумкин.

Коммуникатив жараёнда ўзаро муносабатга киришувчиларни бир-бирларини тушунишлари жуда муҳимдир. Бунда нутқнинг қуйидаги муҳим хусусиятлари пайдо бўлади, яъни мазмундорлик, тушунарлилик, ифодалилиқ,

таъсирчанлик кўрсатилади.

Буюк француз ёзувчиси Антуан Сент Экзюпери «Мулоқот – шундай неъматки, у орқали инсон лаззатланади», деб ёзган эди.

Сўзнинг моҳияти ҳақида Саъдий «Ақлимисан ёки аҳмоқ каттамисан ёки кичик буни бир сўз айтмагунча била олмаймиз» деган эди.

Халқимизда шундай ибратли ибора бор «инсон ақл фаросати унинг нутқининг аниқлигида намоён бўлади».

Новербал коммуникация воситаларига юз ифодаси, мимика, оҳанг, пауза, поза (ҳолат), кўз ёш, кулгу ва бошқалар киради. Бу воситалар вербал коммуникация - сўзни тўлдиради, кучайтиради ва баъзан унинг ўрнини босади. Болгарларда бошни кимирлатиш йўқ дегани, русларники тескариси бўлади. Турли ёш гуруҳларида новербал коммуникация воситаси турлича бўлади. Масалан, болалар кўпинча катталарга таъсир этиш, уларга ўз хоҳиш ва кайфиятларини ўтказишда йиғидан восита сифатида фойдаланадилар. Ахборотни сўз билан баён этишнинг мазмуни ва мақсадига новербал коммуникация воситаларининг мос келиши муомала маданиятининг бир туридир.

Новербал коммуникацияга белгиларнинг оптик-кинетик тизими кириб, уларга жестлар (қўл ҳаракатлари), мимика (юз ҳаракатлари) ва пантомимика (қўл, оёқ, тана ҳаракатлари) киради.

**Жестлар**-инсоннинг қўл ҳаракатлари бўлиб, у орқали инсоннинг ички ҳолати, бирор бир объектга муносабати ва ташқи оламга йўналганлиги ифодаланади. У ёки бу халқларда жестлар турлича қабул қилинади. Италия ва французлар ўз мулоқотларини жестларсиз тавсаввур эта олмайдилар. Ўзбек халқида нутқда жестлардан фойдаланиш яхши одат сифатида қабул қилинмайди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, новербал коммуникация оғзаки нутқда айтилмай қолган фикрларни ифода этиш имконини беради.

**Мимика** - инсон юз ҳаракатларининг бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг ўйлари, хатти-ҳаракатлари, тасаввурлари, хотирлаши, таажжуби ва ҳоказоларда намоён бўлади.

**Пантомимика**- инсон танаси ёки унинг қисмлари ёрдамида ифодаланадиган ҳаракатлар тизимидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кундалик мулоқот жараёнида сўзлар 7% ни, товушлар ва интонация 38% ни, нутқсиз мулоқот эса 55% ни, ташкил қилади.

Публиций айтганидек, биз *«Овоз билан гапирамиз тана билан суҳбатлашамиз»*. Новербал коммуникациянинг бошқа белгилар тизимини кўриб чиқайлик.

Паралингвистик ва экстралингвистик белгилар тизими- бу локализация тизими бўлиб, у овоз сифатида диапозонини нутқдаги паузалар, йўтал, йиғи, кулгу, нутқ темпида намоён бўлади.

Мулоқот жараёнида мулоқотга киришувчиларни бир-бирларига нисбатан жойлашишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, аудиториядаги столлар жойлашиши мулоқот учун жуда ноқулайдир. Айниқса, семинар машғулотлари жараёнида ўқитувчи, маърузачи мулоқоти вақтида қолганлари мунозарада фаол иштирок этиш имкониятига эга эмасдирлар.

Семинарларни ёки шу каби суҳбатларни «Т» шаклида жойлашган стол стулларда ўтказиш ҳам фойдали, лекин думалоқ шаклда жойлаштирилган стол, стулларда мулоқот жуда самаралидир.

Визуал мулоқотда «кўз контакти» белгилар тизими ҳам қўлланилади. Ушбу тизим педагоглар, раҳбарлар иш фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қизиқарли белгилар тизими сифатида мулоқот жараёнида гул, фоторасм ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Эҳтимол гуллар орқали инсонлар маълум бир маълумотни узатиш имкониятига эгалар. Шу боис гуллар тарихи ҳақида айрим маълумотларни келтирамиз. Гуллар тили қадимда Шарқда пайдо бўлган. Уни аёллар яратишган. Ўз юзларини очиш имкониятига эга бўлмаган аёллар ўз ҳисларини ва кайфиятларини гуллар орқали ифодалашга ҳаракат қилганлар. Ассоциация сифатида пайдо бўлган белгилар қатъий одатларга айланган. Масалан, азалия гули соғинч, ёлғизлик, гнацинт гунчаларининг сони учрашув кунини, кўнғироқ гуллар сони учрашув вақтини англатади.

XIX асрга келиб, гуллар тили дастлаб Францияда, сўнг Англия ва бутун жаҳонга тарқалган. Аста-секин гуллар тили билан ранглар тили ҳам юзага келди. Жумладан, Европанинг кўп давлатларида сиёҳ ранг дўстлик, ҳашаматлилик, тўкинлик рамзи бўлса, Японияда-ғам оғриқ белгиси бўлган. Ҳар қайси ранг маълум ҳолат, кайфият маъносини англатади. Жумладан қизил ранг ҳаёт, севги, пушти - ёшлик, сариқ-бахт, қуёш, тўй, хурсандчилик, яшил-тинчлик, хотиржамлик, кўк- ишонч, вафо, қора тантанаворлик, қайғу, оқ-поклик, беғуборлик рамзи сифатида тушунилади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унда педагогик қобилиятнинг мавжудлигига боғлиқ. Психологияда педагогик қобилиятлар дегани инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусиятлар унинг ўқитувчи вазифасида болаларни ўқитиш ва таълим тарбия беришда юксак натижаларни қўлга киритишнинг шarti ҳисобланади. Маълумки шахснинг қобилиятларини ҳосил қилувчи хислатлар ва хусусиятлар (улардан энг муҳими кузатувчанликдир) етакчи роль ўйнайди, бошқалари ёрдамчи роль ўйнайди.

Ўқитувчига ўқувчининг психологиясини унинг психик ҳолатини ўхшаш тарзда идрок этиш муайян ҳолда умуман синф жамоасининг аҳволига тўғри баҳо бериш имконини беради. Ўқитувчи шахсининг ўзаро фикри фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисмлари сифатида «эмпания» яъни ўқувчиларнинг ҳолатини тушунишга ва уларга ачинишга тайёргарликни ҳисоблаш мумкин. Бунинг зарур шarti болаларга бўлган муҳаббатдир. Ниҳоят ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисм деб ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган юксак ривожланган эҳтиёжни ҳисоблаш мумкин. У билимларни бошқариб боришга, болалар билан муомалада жамоани ташкил этиш истагида намоён бўлади.

Ўқитувчида ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган, унда мавжуд бўлган педагогик назокат майдонга чиқади. Энди педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи хислатлар ва хусусиятлардандан айримларини кўриб чиқамиз. Бу аввало ақл-идрокнинг муайян хислатлари,

танқид кўзи билан қараш, собит қадамлик ва бошқа бир қатор хислатлардир. Ўқитувчининг нутқи нотиклик қобилиятининг мавжудлиги сўз бойишига ва ҳаказолар муҳимдир.

Табиатида артистлик хусусиятига эга бўлиш (хаёл фантазия ишлата билиш) ҳам ўқувчилар билан муомалада муваффақиятга эришишда муайян роль ўйнайди.

Тажиба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарса эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, шарқ перцептив хусусиятларининг энг муҳим хусусиятлари бўлган кузатувчанлик ўқувчининг педагогик тажиба ҳосил қилиш жараёнида ҳам, унинг махсус куч ғайрати натижасида ҳам ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўзининг ижтимоий психологик кузатувчанлигини яъни ўқувчиларда турли характер хусусиятлари, майлларини пайқаб олиш қобилиятларигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо бўлиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ривожлантиришга қодирдир. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини улар муҳитидаги ўзаро муносабатларни ўзининг улар билан ўзаро муносабатларини ҳозирги дақиқада қандай бўлмасин, ҳудди шундай идрок этиш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса осонгина қўлга киритилмайди. Педагогнинг идрок этиши ҳар қандай кузатувчининг идрок этишга ўхшайди, чунки педагог ҳамиша ўқувчиларга нисбатан ташқи вазиятда туради, маълум даражада улардан улар фаолиятидан (унинг ташкилотчиси бўлса ҳам) узоқлашмаган бўлади. Шу сабабли педагог ўзи кураётган нарсаларга ўзининг ижтимоий жараёнида ривожланишда идрок қилган норматив мулоҳазаларини онгли ва онгсиз равишда келиши мумкинки, педагог учун янги бўлган ҳодисалар унинг ўзида мавжуд бўлган нормалар ва тасаввурлар асосида анъанавий тарзда талқин этилиши мумкин. Бундан ташқари педагогнинг муайян масалага жавоб излашига интилиши, унда аҳамиятли бирор фактни ўтказиб юбормаслик учун қулай йўналиш ҳосил қилади. Агар ўқитувчи болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини фақат тўғри идрок этиб, баҳо берса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кўра олсагина, шу билан бирга ўзида сабот, ўзини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирлик каби

фёъл атвор хусусиятларини ривожлантира олсагина юқоридаги вазифаларга эришиш мумкин бўлади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини: уларнинг фёъл-атворлари, тенгдошлари ва катталар билан муносабатларини турли баҳоларга ва муаммоларга ва ҳаказоларга муносабатларни доимо ўрганиб ва билиб боришга интилиш муҳимдир.

Ўқитувчи болаларни қанчалик билиб олса, унда болалар билан муносабатда хушмуомала бўлиш имкониятлари шу қадар кўпроқ бўлади. Лекин ўқитувчи ўз ўқувчилари билан яқинроқ бўлишга ҳаракат қилар экан. Баъзан тегишли дақиқаларда ўзи эшитмаслиги лозим бўлган нарсаларни эшитмасдан ўтиб кетиши лозим. Бунга сабаб эшитиш одобсизлик бўлиш мумкинли ёки вазият ноаниқ бўлиб турганда эшитиш дарҳол аниқлик киритиш лозимлигини ёки зарурлигини такозо қилишдир. Ўқувчилар билан ўз муомаласини бақирик ва майда-чуйда нарсаларга аралашушга айлантириб юбормаслик кундалик ишларга ниманидир сезмай қолишни ўрганиш муҳимдир. Ниҳоят, баъзан бирон нарсани тушунмай қолиш ҳам фойдали бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган кичик тушунмовчиликларига ёрдам беради, унга ўқувчилар билан бўладиган келишмовчиликларга тегишли даражада одоб билан аралашувга ёрдам беради.

В.А.Сухомлинский таъкидлаб ўтганидек «педагог болаларни айниқса катта ёшдаги ўқувчилар ўртасидаги зиддиятларга жуда эҳтиёткорлик билан аралашуви лозим. У шунингдек зиддиятларнинг» шундай соҳаси борки, унда педагог аралашуви ниҳоятда чекланган бўлиш, ҳамма келишмовчиликлар ва зиддиятлар ҳам жамоада муҳокама қилиш объекти бўлмаслиги мумкин ва лозим деб ҳисоблаган эди».

### **Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.**

Педагогик қобилиятлар биринчи бўлиб XIX аср ўрталарида пайдо бўлди. Педагогика назариясида ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик перцептив қобилиятга А.Дистерверг диққат-эътибор берди. Шундай қилиб Дистерверг педагогик қобилиятнинг кучига, педагогик тактга ва қатъий эркинликка аҳамият берди. Ўқувчининг билим орттиришлик қобилият тушунчасини берди.

У ўқитувчининг билим орттиришлик қобилият тушунчасини илгари сурди. Сўнгра XIX асрнинг иккинчи ярмида И.Г.Редкин «ахлоқий қобилият» тушунчасини илгари сурди. Дистерберг Редкин фикрларини К.Д.Ушинский давом эттирди. У «Одамни тарбиялашнинг энг асосий йўли ишонтиришдир», одамни эътиқодига эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин» дейди.

Толстой «тарбия муваффақиятли бўлиши учун тарбияланувчи кишилар сира тўхтамай ўзларини тарбиялай билишлари керак» деган эди. А.С.Макаренко айтишича, тосадифий равишда ўқитувчи бўлиб қолган, лекин у бу ишга қизиқиб кетиб бадий адабиётни кўп ўқиган Горькийни ўзининг устози деб унинг асарларини ўқишга киришган. Макаренко ўз тажрибасига асосланиб ҳар бир киши кўп меҳнат қилса, у ўзига нисбатан талабчан бўлса у яхши педагог бўлиши мумкин дейди.

Қобилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб бир текисда бўлмай, бири юкори, бири ўртача бири қуйи даражадан иборатдир. Фақат ақли заиф инсонларда қобилиятни учрата олмаймиз. Мактаб ўқитувчисининг фаолияти инсон шаклини тиклантиришга қаратилган. Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат қилиб, катта натижага эришади. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилиятни ривожлантириш учун эса, лаёқат, зехн, истеъдод яъни инсон нерв тизимида анотомо-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур. Ўқитувчининг баъзи психик процесслари унда шахсга хос сифатларнинг шундай комплексини ташкил қиладики буни педагогик қобилият дейиш мумкин. Бу қобилиятларни айрим психик хусусиятлардан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Таълим-тарбия ишини муваффақиятли амалга ошириш педагог шахсига хос бўлган бир қанча сифатлар, шу жумладан унинг иродаси, ҳиссиётлари, характерга хос бўлган бир қанча хусусиятларни ҳам таъминлаб берди. К.Д.Ушинский «Фақат шахсина, шахснинг ривожланишига ва таркиб топишига таъсир қилиши мумкин, фақат характер таъсири билан характерни вужудга келтиришсин» деб ёзади. Қобилият шахснинг муайян фаолият



юзасидан лаёқати ва унинг ишини муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психологик хусусиятдир.

Фалсафа тарихида қобилият узок давргача «ўзгармас ирсият» наслдан-наслга ўтувчи алоҳида куч сифатида талқин этилган. Бундай қарашлар дастлаб инглиз философи Жон Локс ва француз материалистлари томонидан танқид қилинган. Қобилиятни ривожтириш мумкин бўлган анатомик-физиологик хусусиятлар туғма бўлади. Эмнатия-бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилиятидир (биргаликда дардлашмоқ). Перцептив идрок жараёнининг асосий тузилиши бирнчи бўлиб, бу идрок объектларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборат. Идрок этиш яъни боғчадаги боланинг олдига кубикларни қўйилган расмларни билан қўйиб чиқади. Одамларни солиштириш образи. Дидактик қобилият ўқувчилар билан мулоқот қилишда, педагогиканинг таълим қонуниятларини ҳамда методларини ўрганган ҳолда келишнинг таълим дарс олиш қобилиятларидир ва ибратли дарс бериш конструктив ўқитувчининг ўз ишини режалаштирира олишдир.

Коммуникатив қобилият бошқа одамлар билан бўладиган мулоқотни яхшилайдиган ва биргаликдаги фаолиятга психологик қовушувчанликни таъминлайдиган қобилиятдир. Ўқувчи билан ўзаро мулоқотда бўлиш, мисол: Фалон домла биз билан самимий муносабатда бўлади. Билиш қобилияти билимни эгаллаш ва уни ўзлаштиришни таъминлайди. Англаш (тушуниш) қобилияти айрим ҳаракатларни одам қилади, англамаган ҳаракат, одам онги ҳаракат қилади. Кўп сонли ўқитувчи, тарбиячи, мактаб директори, илмий мудар ва интернат ходимларидан қобилият ҳақида: «шахснинг қайси сифатларини сиз педагогик қобилият деб ҳисоблайсиз»-деб берилган саволга 82 та ёзма жавоб олинган сифатларни қуйидагича келтирамиз.

1. Ўз ишига муҳаббат, болалар билан ишлашга қизиқиш.
2. Юқори маданиятли катта аудиторияни ишлата олиш:
3. Ўтилган дарсга қобилият, уни яхши билиш, қизиқиш:
4. Меҳнатга қобилиятлилиқ, меҳнатсеварлик:

5. Болалар жамоасиги киришиб кетиш қобилияти:
6. Болаларга муҳаббат.
7. Педагогик такт (гўзалликка) эга бўлиш.
8. Меҳнатга ижодий ёндошиш.
9. Харакатчан (энергия)
10. Ташкилотчилик қобилияти.
11. Жавобгарликни ҳис қилиш.
12. Тарбия билимларининг бутунлиги.

### **Назорат саволлари**

1. Педагогик мулоқот услублари ҳақида маълумот беринг.
2. Мулоқот маданиятининг мазмуни моҳиятини тушунтиринг.
3. Коммуникация методлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ўқитувчининг коммуникатив малакаси ҳақида маълумот беринг.
5. Коммуникатив таъсир этиш технологиясини қандай тушундингиз.
6. Ўқитувчининг коммуникатив маданияти ҳақида сўзлаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ишмуҳамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент. 2013
2. Н.Саъдуллаев «Гўзалликнинг сирли олами». Тошкент 1999 й.
3. Ю.Ш.Азларов. Тарбиялаш маҳорати. Тошкент, 1991 йил.
4. Н.И.Ильин. Муомала санъати. Пед.изланиш. И.П. Бажанова. Т. Ўқитувчи 1990 йил.
5. Н.Головин. Основы культуры речи. Москва.1992 йил.

## 2-мавзу: Мулоқотни ташкил этиш технологияси.

### Режа:

1. Педагогик фаолият шарт-шароитларини таҳлил этиш, мулоқотни режалаштириш.
2. Педагогик мулоқотни амалга ошириш йўллари.
3. Талабалар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатни таҳлил этиш ва уни коррекциялаш имкониятлари.
4. Педагогик мулоқотдаги психологик тўсиқлар ва уларни бартараф этиш технологияси.

**Таянч тушунчалар:** мулоқот, ўқитувчининг мулоқоти, муомала, одоб, ахлоқ, авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб.

**Муомала**-ахборот жараёнидир. Педагог бевосита шахсларга муомалада ўз тарбияланувчилари, умуман жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади.

Педагог ҳам ўз навбатида муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига мақсадга қаратилган ахборотни маълум қилади.

Педагогнинг ўқувчилар билан муомаласи шунга олиб келадики, ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий вазиятларни турли сабабларда пайқаб олади, бунинг учун намуна у ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвори усулларидан фойдаланади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбияни бошқариш сифатида, бирлаштирувчи ўрнини тўлдирувчи вазифани ҳам бажаради.

Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади.

Ўқувчилар билан муомала қилиш педагогнинг ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳоратини тақозо этади.

Сўзлашишни, мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориши лозим. У дарсни самарали олиб боришни, сўзлашишни билиши, лекция, суҳбат, ҳикоя қилиш каби усуллардан фойдаланиш, умуман бутун таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан мулоқотни йўлга қўя билиш лозим.

“**Мулоқот**” юнонча сўз сўзлашув, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва

оғзаки нутқ шакли 2 ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўзлашувидир.

Муомала ўқувчида муомала жараёнида жуда майда қисмларини ҳам англаб олишга қодир бўлиши керак. Булар сирtdан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмаса-да, ўқувчи шахсида содир бўлаётган уни тушуниши учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишининг аломатлари ҳам бўлиши мумкин.

Бунда педагог жуда катта рол ўйнайди. Аини хил ҳодисанинг турли кишилар томонидан талқини шахснинг ўтмишидаги тажрибасига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Бу тажрибанинг уч жиҳатлари мавжуд.

1. Умуман ҳаётий тажриба.
2. Педагогик фаолият тажриба.
3. Муайян жамоа билан муомалада бўлиш тажриба.

Педагог ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадикки, у ўқувчилар ҳатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва натижалардаги ҳақиқий сабабни турли вазиятларда пайқаб олади.

Педагог ўқитувчилар олдида ниҳоятда ҳатти-ҳаракатда бўлиш, нотўғри ҳаракатлардан сақланиш лозим, акс ҳолда ўқитувчининг хурмати кета бошлайди.

Педагог ахлоқ-одоб меъёри даражасидан чиқмаслиги, одоб-ахлоқ борасида ўз ўқувчиларига ўрнак ва намуна кўрсатмоғи лозим. Педагогик назокат меъёр туйғуси ўз ўқувчилари билан тўғри муносабатда амал қилишдир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи соҳасидаги хулқ-атворини белгилаб беради. Ўқитувчининг педагогик одоби мазмуни ва уни намоён бўлиш шакллари билан белгилаб берадиган айрим ижтимоий йўл-йўриқларни кўриб чиқамиз.

**Одоб** –ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳамда юриш-туришида, ўзини тута билишдир.

**Ахлоқ** -жамият қабул қилган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-атвор мажмуидир. Оллоҳ таоло инсонни билим, ахлоқ ва фаолият бобида

масъул қилиб яратган. Бу ҳақда Қуръони Карим ва Ал-Асро сурасининг 36-оятида шундай дейилган.

Эй инсон ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма. Чунки қулоқ, кўз, дил буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур-масъуллик эса мустақиллик, эркинлик, фаоллик ва маънавий жавобгарликдир. Ўз фарзандингни яхши хулқ-одобли ва ақлли бўлишга ўргат.

Кимки ёшлиқдан яхши хулқ-одоб эгалламас экан, улғайганда ундан билим талаб қилма.

Ахлоқ қиёфаси ўзгариши мумкин эмас деб таъкидлаш касалларни даволаб бўлмайди ва тиббиёт фани ҳақиқий эмас деган гап билан баб-баравардир.

Жалолиддин Давоний. Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди. У ҳолда дунёда тартиб бузилади, кишилар бир-бирига бефарқ бўладилар.

Хусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний» асаридан яхши хулқ одоб белгилари ўн хил бўлади.

1. Хайрли ишларда одамлар билан зиддиятга бормаслик.
2. Ҳис-туйғу ва эҳтиросларга берилмаслик.
3. Ўзгаларнинг камчилигини қидирмаслик.
4. Бировларнинг бахтсизлигига ҳамдард бўлиб, уни тўғри тушуниш.
5. Агар айбдор ўз айбига иқроор бўлса, уни авф этиш.
6. Муҳтожларга ёрдам бериш.
7. Кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш.
8. Ўз нуқсонларини кўра билиш.
9. Хулқ-одобли бўлиш.
10. Хушмуомалалик.

Энг яхши тарбия шулким, болани безори ва бадхулқ кишилар билан алоқа қилмаслигини кузатиб туриш керак. Бола ақлли, зеҳнли кишилар билан иш тутишлари лозим. Унинг олдида доимо доно, билимдон, фозил кишиларни

мақташ зарур. Ёмон қилиқ ҳатти-ҳаракатларни қоралаш даркор, токи болада уларга нисбатан нафрат уйғонсин.

“Анвар Сухайл” асаридан.

Юқорида айтиб ўтилган ахлоқ-одоб йўналишлари асосида тарбиячи-ўқитувчи, ўқувчилар билан ахлоқий суҳбатлар, одоб нормалари юзакдан савол-жавоблар, тарбиявий соатлар, тарбиявий тадбирлар ўтказиш маҳоратига эга бўлишлари, болаларни тўғрилиққа, сахийлиққа, одоблилиққа, ёмон фазилятларини йўқотишга, ўзида бор нуқсонларни бартараф этишга ундашлари, уларни хайрли ишларга ундашлари жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Кичик ёшдаги ўқувчилар коллективларида талабчан ва қувноқ тарбиячи бўла оладилар. Болаларнинг фаол ижодкорлик билан тўла ҳаётни ташкил этиб, улар орасида ўзаро хайрихоҳлик, ғамхўрлик вазиятини, завқли вазиятни вужудга келтира оладиган тарбиячилар катта обрў-эътибор қозонадилар.

Ўқитувчи балки бу жараёнда ўқувчи талабига таъсир кўрсатади. Бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради, натижада ўқувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади, бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради; натижада ўқувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълимдаги нутқлар аввало ўқитувчига боғлиқ, у мутахассис сифатида ўз фанини билиши, педагогик мулоқот устаси бўлиши психологик-педагогик ва услубий малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиш ва баҳолаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг мақбул усул ва воситаларини танлаб олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат, ўқувчиларнинг билим фаолиятини шакллантириш уларнинг дунёқараши, фикр ва эътиқодларини шакллантириш ва уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборатдир. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради, ўқувчи эса уни фаол ўзлаштириб олиши зарур, билиш мураккаб қийин зиддиятли жараёндир. Бу жараён инсон психикасига тегишли сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби жараёнларнинг фаол

иштирокида олинади, бу жараёнда ўқитувчи муҳим роль ўйнайди. Таълим бериш жараёнида ижодий мантикий тафаккур ҳам тарбияланади. Ўқувчиларни билимларни ўзлаштириш ўзларида билиш қобилиятларини фикрлаш операцияларини ва ҳаракатларини ҳосил қила олиши, ижодий фаолиятида, меҳнат жараёнида вужудга келади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини тўғри йўлга солиш учун амалиёт ҳар қандай билишнинг негизи ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатади бу эса амалий машғулот ўтказиш орқали, тафаккур жараёнида воқеликни таҳлил қилиш, таққослаш, билимларни ўзлари учун тушунарли соҳаларидаги сабаб ҳулосалар чиқаришни ўрганадилар. Ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди. У ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятидаги мустақиллик, ижодкорлик, қобилиятларини ўстиради ва ўрганилаётган нарсаларни онгли равишда ўзлаштириб олишларига эришади.

Материалларни идрок қилиш ва тушуниб олишлари билан бирга пухта эслаб қолишлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишлари зарур. Ўқитувчи ўқувчиларни билиш фаолиятларини ташкил қилиш мақсадида уч вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсадни ҳал қилишни унутмаслиги яъни бу мақсад ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини бирлаштиради.

Ўқитувчи ҳар томонлама болаларга намуна бўлиши керак. У аввало ҳулқида ширин сўз ҳуллас ўз касбининг моҳир устаси бўлиши зарур. Ўқитувчи қанчалик болаларга ғамхўр ва илиқлик билан муносабатда бўлса, болаларда ҳам ўқитувчига нисбатан ҳурмат меҳрибонлик ғамхўрлик ҳислари пайдо бўлади. Ўқитувчи нафақат болаларга бўлган муносабати ва ўзини тутиши билан ўрнатилган бўлмоғи балки, у ўзининг ташқи кўриниши, маданияти билан намуна бўлиши керак. У ҳар доим озода, эстетик дид билан кийиниши лозим. Болалар эътиборини ортиқча нарсаларга жалб этмаслиги керакки, унинг юриш-туришидан, маданияти, дид билан нафис кийинишидан ўқитувчи эканлиги билиниб турсин.

Бу эса ўқувчининг ўқитувчисига муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи учун ҳаддан ташқари кўп бўяниш, тақинчоқлар тақиш ҳам ташқи кўринишдаги

камчиликлардир. Ўқитувчи ўзига ўта талабчан бўлиши, ўз ҳатти-ҳаракатини назорат қила олиши керак.

Ўқувчиларга муомала қилиш педагогларнинг ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳоратини тақоза этади. Биз учун эса сўзлашишни билиши лозим. Сўзлашишни мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориш лозим. У дарсни самарали олиб боришни, сўзлашишни билиши, суҳбат, маъруза, ҳикоя қилиш каби усуллардан фойдаланиши, умуман бутун таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан мулоқотни йўлга қўя олиши лозим.

Мулоқот юнонча сўз сўзлашув, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва фикр олишув, оғзаки нутқ шакли икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўзлашувидир. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг бўлиши учун, ўқитувчида етарли даражада қобилиятга эга бўлиши лозим ва ўз-ўзига қуйидаги саволларни бериши ва унга жавоб беришга ҳаракат қилиши керак.

Нимага ўргатиш, кимни ўргатиш, қандай ўргатиш?

#### **Нимага ўргатиш:**

а) илм-фандаги янгиликларни англаш, янги фан терминларини тушуниш, ўқув предметини тўлиқ ўзлаштириш.

б) малака, кўникма ва қобилиятни шакллантириш.

в) ўқув предметлари ўртасидаги боғлиқликларни амалга ошириш.

г) ўқув мазмунини тушунарли тизим асосида олиб бориш.

#### **Кимни ўргатиш:**

а) ўқувчиларнинг баъзи психик хусусиятларини (эслаб қолиш, нутқи, фикрлаш) ҳамда уларни қай даражада, ўқимишли, тарбияли эканлигини аниқлаш.

б) ўқувчиларни бир даражадан иккинчи даражага ўтишда қийинчиликларини олдиндан аниқлаш:

в) ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда болаларнинг далиллари, фикрларини ҳисобга олиш:

г) ўқувчилардаги турли психик ўзгаришлар ва ривожланишни ҳисобга олиб ўз педагогик меҳнатини ташкил этиш:



д) иқтидорли ўқувчилар билан ҳам ишлаш якка ҳолдаги ишни ташкил этиш.

### **Қандай ўргатиш:**

а) иш жараёнида ишлатиладиган куч ва кетадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва тарбиялашнинг турли усуллари мажмуини ишлатиш.

Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари, бу талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчиликда услуб бўлиб таълим-тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатнинг намоён бўлиши йўли билан ёки бу ҳатти-ҳаракатларни рағбатлантириш ёки тўхатилишини таъминлайди.

Истиқбол таъсир кўрсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини рағбатлантиришлари, улар олдига қўйилган мақсадлар, уларнинг шахсий интилишлари қизиқишларига айланади.

Рағбатлантириш ва жазолаш-ўқувчиларнинг хулқ-атвorigа тузатиш киритишни яъни фойдали ҳатти-ҳаракатларни қўшимча рағбатлантиришни ва тарбияланувчиларнинг номаъқул ҳатти-ҳаракатларини тўхтатишни таъминлайди. Талаб педагогик таъсир кўрсатишнинг бошланғич усули бўлиб, тарбияланувчиларда ўзига нисбатан масъулият ва талабчанликни ривожлантиришда алоҳида вазифани бажаради. Ўзаро фикр алмашиш билан таъсир кўрсатиш воситаларини ишонтириш, таъсир қилиш, ўзаро фикр алмашиш билан таъсир қилиш.

Ишонтириш педагогик таъсир кўрсатиш усули сифатида дарсларда ўқув ахбороти ижодий суҳбатлар, мунозаралар шаклида қўлланилади. Тарбиявий мунозаралар гуруҳий ва якка суҳбатлар, мунозаралар сиёсий ахборотлар шаклида қўлланилади. Таъсир қилдириш киши психикасига назоратсиз кириб, унинг фаолиятида ҳатти-ҳаракатлар, сабаблар, интилишлар билан амалга оширилади. Таъсир қилиш шундай бир психик таъсир кўрсатишки, киши уни онгининг етарли назоратсиз идрок этиш.

а) педагогик вазиятларни таққослаш ва умумлаштириш усулларини қўйиш.

б) ўқувчиларни якка индивидуал ҳолда муносабатда бўлиш, уларнинг мустақил ишларини ташкил этиш.

Ўқитувчи ўқувчилар билан бўладиган мулоқотида қуйидаги малакаларни эгаллаган бўлиши лозим: ташқи қиёфани назорат қилиш, нутқни эгаллаш, педагогик муносабат маданиятини эгаллаш, ташкилотчилик маҳоратини, ўқув-тарбия жараёнини бошқариш услубларини эгаллаш.

- 1) Авторитар услуб.
- 2) Демократик услуб.
- 3) Либерал услуб.

### **1. Авторитар услуб.**

Ўзи якка ҳолда гуруҳ фаолиятининг йўналишини белгилайди.

Ўзи кўрсатма буйруқ беради.

Жавобгарликни ўз бўйнига олади.

Сўзсиз бўйсинишни даво этади.

Қаттиқ интизомни талаб этади.

Айтилган нарсанинг тўлиқ бажарилишини талаб этади.

Гап қайтаргани, гап ўргатгани ёқтирмайди.

Айтган ташаккури ҳам буйруқдек чиқади.

Сўзлари қаттиқ ва кўпол. Бирон-бир масалани тушунтирмайдилар, лекин талаб этади. Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: буйруқ, кўрсатма бериш. қўлланма билан ишлаш. Ҳайфсан эълон қилиш.

Муомалада кўпол. Дағал. Дўқ-пўписали, мажбур этиш, кўрқитиш, чўчитиш орқали киришади.

Авторитар услубнинг ижобий томони фавқулодда вазиятлар ишлатилиши (ёнғинда, сув тошқинида) муносабатнинг бу услубда бажарилиши атрофдагилар учун қийин ва оғир аҳвол.

### **1. Демократик услуб.**

Коллектив фикрига таяниб иш олиб бориш. Коллектив фикрини ташаббусини мақуллайди, ривожлантиради, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарайди. Бошқалар фикрини ўзиники қилиб олади. Мулоқотга киришишнинг асосий

шакллари, илтимос, маслаҳат бериш, самимий муомала.

## **2. Либерал услуб.**

Ташаббуссиз жамоа ишга аралашмайди. Ҳамма масалаларга юзаки қараб чиқади. Ўзининг фикри йўқ. Жавобгарликдан ўзини четга олади. Иш натижаси билан қизиқмайди. Болаларга эътиборсиз беғам қарайди. Ўз ишига совуққон бўлиб қарайди.

Илмий педагогик адабиётларда қуйидаги муносабат турлари кўрсатилган.

- Ҳамкорликдаги муносабат.
- Дўстона муносабат.
- Оралиқдаги муносабат.
- Қўрқув орқали муносабат.
- Устин орқали муносабат
- Носамимий муносабат.
- Бекорчи муносабат.
- Диалог ва монолог.

### **Назорат саволлар.**

1. Дарс ва дарсдан ташқарида ўқитувчининг мулоқотини сўзланг.
2. Ўқитувчининг бошқариш услубларини санаб беринг.
3. Муносабат турларини айтиб беринг.
4. Ўқув тарбияни бошқарув услубларига таъриф беринг.
5. Муносабат турларини изоҳлаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент. 2013
2. Н.Саъдуллаев «Гўзалликнинг сирли олами». Тошкент 1999 й.
3. Ю.Ш.Азларов. Тарбиялаш маҳорати. Тошкент, 1991 йил.
4. Н.И.Ильин. Муомала санъати. Пед.изланиш. И.П. Бажанова. Т. Ўқитувчи 1990 йил.
5. Н.Головин. Основы культуры речи. Москва.1992 йил.

### **3- мавзу: Педагогик низо ва унинг сабаблари.**

#### **Режа:**

1. Мулоқот кишилар ўртасидаги ўзаро таъсир этиш.
2. Мулоқот кишиларнинг бир-бирини тушуниши.
3. Педагогнинг шахсий сифатларининг педагогик мулоқотни ташкил этишдаги аҳамияти.

**Таянч тушунчалар:** деструктив низо, продуктив низо, ижтимоий перцепция, идентификация, рефлексия, стереотипизация, эмпатия, педагогик мулоқот.

#### **Мулоқот кишилар ўртасидаги ўзаро таъсир этиш.**

Кишилар мулоқотга киришар экан, савол бериш, буйруқ, илтимос қилиш, бирор нарсани тушунтириш билан бирга ўз олдига бошқаларга таъсир этиш, шу нарсани уларга тушунтириш мақсадини қўяди.

Мулоқотнинг мақсади кишиларнинг биргаликдаги фаолиятига эҳтиёжини акс эттиради. Бунда мулоқот шахслараро ўзаро таъсири сифатида намоён бўлади, яъни кишиларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи алоқа ва ўзаро таъсирлар йиғиндисидир. Биргаликдаги фаолият ва мулоқот ижтимоий назорат шароитида рўй беради. Жамият ижтимоий нормалар сифатида махсус ҳуқ-атвор намуналари тузилишини ишлаб чиққан. Ижтимоий нормалар кўлами ниҳоят кенг – меҳнат интизоми ҳарбий бурч ва ватанпарварлик, хушмуомалалик қоидалари ана шулар жумласидандир. Ижтимоий психология нуқтаи назаридан мулоқотга киришувчилар бажарадиган ролнинг «репертуар»ига мос ҳолда намоён бўлади. Психологияда «роль» деганда ижтимоий (социал) мавқени эгаллаб турувчи ҳар бир кишидан атрофдагилардан кутадиган, норматив томонидан маъқулланган ҳуқ-атвор намунаси тушунилади. (Ёш, мансаб, жинс ва оиладаги, ўқитувчи ва ўқувчи шифокор ва бемор, катта киши ёки бола, бошлиқ ёки ходим, она ёки буви, эркак ёки аёл, меҳмон ёки мезбон ролида намоён бўлиши мумкин). Ўз навбатида ҳар бир роль ўзига мос талабларга жавоб бериши керак.

Бир киши турли мулоқот вазифаларида турли ролларни бажариши мумкин.

Масалан, хизмат жойида директор, касал бўлса шифокор кўрсатмаларига итоат этувчи бемор, оилада кекса ота-онасининг қобил фарзанди, меҳмондўст оила бошлиғи бўлади. Турли ролларни бажарувчи кишиларнинг ўзаро муносабати роль кутишлари билан бошқарилади. Хоҳлайдими ёки йўқми атрофдагилар ундан маълум намунага мос келувчи хулқ-атворни кутадилар. Агар роль яхши бажарилмаса, ижтимоий назорат томонидан баҳоланади, озми-кўпми чекланишлар қилинади. Мулоқотнинг бевосита муваффақиятининг шарти ўзаро таъсир этувчи кишиларнинг ҳар биридан кутилаётган ҳаракатларга мос келувчи хулқ-атвор намунасини қўлланишидадир. Кишининг бошқалар ундан нимани кутаётганини, нимани эшитишга ва унда нимани кўришга тайёр эканлигини тўғри, аниқ, хатосиз кўчира олиш қобилияти **такт** деб аталади.

Маълумки такт педагогик фаолиятда муҳим компонент ҳисобланади. Айниқса, педагогик жараён ўқитувчи ва ўқувчиларнинг уюшган фаолиятлари асосида тузилган. Шу боис ўқитувчи педагогик жараённи ўқувчилар жамоасидан ташкил топганлигини унутмаслиги ҳар бир ўқувчи шахсини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Ўқувчилар билан психологик алоқанинг қисқа муддатга бўлсада йўқолиши, оғир оқибатларни вужудга келтиради.

**Мулоқотнинг интерактив томони** деганда, биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига таъсир ўтказиши тушунилади.

Коммуникация орқали одамлар биргаликдаги фаолиятни ташкил этадилар. Умумий фаолиятда иштирок этар экан, одамлар бир-бирларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзаро таъсир биргаликдаги фаолиятнинг ташкил этилиши сифатида тушунилади.

Биргаликдаги фаолиятнинг уч хил модели мавжуд.

- ҳар бир иштирокчи бошқалардан мустақил равишда ишнинг ўзига тегишли қисмини бажариши (масалан шанбаликдаги иш)
- умумий вазифани босқичма-босқич ҳар бир иштирокчи томонидан бажарилиши (масалан конвейердаги иш)

➤ ҳар бир иштирокчи бошқалар билан биргаликда бир вақтнинг ўзида умумий фаолият билан машғул бўлиши (масалан, футбол жамоасидаги иш).

Одатда мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсирнинг икки хил тури ажратилади.

а) кооперацияга асосланган ўзаро таъсир- коммуникатив жараён иштирокчиларининг умумий мақсад йўлида ўз кучларини бирлаштиришдан иборат. Кооперацияларнинг бир неча тури фарқланади.

➤ автоматик (инстинктив- биологик даражада мавжуд бўлади),

➤ автоматик (таркиб топган ижтимоий меъёрлар билан анъана ва урф одатлар билан тақозоланган бўлади)

➤ спонтан (дўстлик, мухаббат ва шу каби муносабатлар билан тақозоланган бўлади)

➤ директив (мажбурий ҳамкорлик ҳукм сурувчи жойларда мавжуд бўлади)

➤ шартномавий (расмий келишувлар билан тақозоланган бўлади).

➤ кооперация- биргаликдаги фаолиятнинг зарурий элементи.

б) Рақобатга асосланган ўзаро таъсир – коммуникатив жараён иштирокчиларининг шахсий ёки гуруҳий мақсадларга эришиш учун ўзаро кураш шароитида бир-бирига таъсир кўрсатишдан иборат. Бундай ўзаро таъсирда томонларнинг шахсий фаоллиги одатда юқори бўлади. Шундай бўлса-да у кооперация билан маълум даражада боғлиқдир. Чунки рақобат давомида ҳам муайян қоидалар ўрнатилиши талаб этилади. Акс ҳолда ўзаро кураш урушга айланиб кетиши мумкин. Рақобатнинг энг ёрқин шакли низодир. **Низо-** мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири муҳим бўлган муаммони ҳал этиш вақтида улар ўртасида вужудга келган қарама-қаршилик ва курашнинг кескин кучайиб кетиш жараёнидир.

Мулоқот жараёнида низонинг одатда икки хил тури фарқланади.

а) **Деструктив низо.** Унинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилардан иборат;

-шахсий хусусиятларни бир-бирига мос келмаслиги туфайли вужудга келади

- муносабатларнинг бузилишига олиб келади
- иштирокчилар сони ортиб боради
- қарама-қарши томонга нисбатан негатив баҳолар кучайиб боради
- низо жараёнидаги объектнинг шахсга кўчиши осон юз беради

б) **Продуктив низо**нинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- нуқтаи - назарларнинг бир-бирига мос келмаслиги сабабли вужудга келади;
- муаммони кенгроқ қарши олишга олиб келади;
- оптимал ечимнинг топилишига ёрдам беради;
- шахсга кўчирилмайди.

### **Мулоқот кишиларнинг бир-бирини тушуниши**

Биргаликдаги фаолиятнинг муваффақиятли рўй бериши кўп жиҳатдан коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирини қандай идрок этаётганини, ҳар бир иштирокчида бошқа иштирокчи хақида қандай тасаввурлар шаклланаётганлигига боғлиқ. Бу эса мулоқотнинг перцептив томонини ўрганиш заруратини вужудга келтиради.

Кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни мулоқотнинг ажралмас қисми бўлиб, у мулоқотнинг перцептив томонини ташкил этади.

Инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши «**ижтимоий перцепция**» дейилади. Дастлаб бу атама Дж.Брунер томонидан 1947 йил ишлатилган бўлиб, у перцептив жараёнларнинг ижтимоий детерминациясини англатган. Кейинчалик бу атама бошқачароқ маънога эга бўлиб, у ижтимоий объектларни, яъни одамлар ижтимоий гуруҳлар, қатта ижтимоий тузилмаларни идрок этиш жараёнини англата бошлаган.

Ижтимоий перцептив жараёнларда индивид қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

- а) ўз гуруҳига муносиб индивидни;
- б) бошқа гуруҳга мансуб индивидни;
- в) ўзининг гуруҳини;
- г) ўзга гуруҳни.

Ижтимоий перцептив жараёнларда гуруҳ қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

- а) ўз индивидини;
- б) ўзга гуруҳ индивидини;
- в) ўзини;
- г) ўзга гуруҳни.

Рус психологи А.А.Бодалев «инсонни инсон томонидан идрок этилишига» синоним равишда «инсоннинг бошқа инсонни билиши» иборасини қўллайди. Инсон жамият аъзоси сифатида қабул қилинганлиги сабабли мулоқотда ҳам шахс сифатида намоён бўлади. С.Л.Рубинштейн айтганидек, «*биз инсонни ташқи хулқ-атвориға қараб уни ўқиймиз*». Бундан, инсонни ташқи қиёфаси уни қандай шахс эканлигидан далолат беришини англашимиз мумкин.

“Бошқа одамни била туриб, ўрганаётган индивиднинг ўзи ҳам шаклланади”- деб ёзади Л.С.Выготский.

Инсонни инсон томонидан идрок этилишида энг камида икки киши жалб қилинган бўлиши лозим бўлиб, уларнинг иккалови ҳам фаол субъектдир. Демакки ўзаро идрок жараёнида иккала томон бир-бирларининг эҳтиёжлари, мотивлари ва йўналишларини билишлари ва ўзларини карама-қарши томон ўрнига қўя олишлари лозим. Мулоқот жараёнида бир-бирини идрок этаётган одамлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун қуйидаги механизм ишга солинади.

- а) идентификация;
- б) рефлексия;
- в) стереотипизация.
- г) эмпатия

**Идентификация** (лотинча тенглаштириш) –у кишига тенглаштириш, бараварлаш маъносини англатиб, инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиш орқали унинг фикрлари ва тасаввурларини тушунишга интилиши.

**Рефлексия** (лотинча акс эттириш) – инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок этилаётгани ва тушунилаётганини англашга интилиши. Кишини киши томонидан идрок қилинишини иккиланган ойнадаги акс эттиришга



ўхшатиш мумкин. Одам бошқа кишини акс эттирар экан, шу билан бирга ўзини ҳам акс эттиради, агар киши ўзи мулоқотга киришадиган кишилар ҳақида тўлиқ, илмий асосланган ахборотларга эга бўлса, улар билан беҳато аниқликда ўзаро таъсир ўрнатиши мумкин. Бироқ субъект ҳамма вақт бундай аниқ маълумотга эга эмас. Шунинг учун у бошқалар хатти-ҳаракатининг сабабларини ўйлаб чиқишга мажбур бўлади. Бошқа кишининг ҳаракатларини тушунтириш учун фаолият мотивлари, ҳис-туйғулар, интилиш ва фикрлашнинг ўйлаб чиқарилиши каузал атрибуция деб аталади ва ўқитувчилар томонидан бола ҳаракатларининг шундай сабабини талқин қилиниши мактабдаги педагогик муомалани қийинлаштиради.

**Стереотипизация** – грекча ўзгаришсиз, такрорланиш деган маънони билдириб, инсоннинг суҳбатдошини тушунишга интилиши йўлида муайян шаблондан фойдаланиши. Стереотипизация маълум ёки тахминан маълум бўлган воқеаларни тиклаш, нисбат бериш йўли билан хулқ нормаларини таснифлаш ва уларнинг сабабларини изоҳлаш демакдир. Баъзан муомала жараёнида нотўғри стереотип вужудга келади. *Масалан*, А.А.Бодалев томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, кишининг ташқи қиёфаси ва унинг характери ҳақидаги стереотип тасаввурлар оммавийлашиб кетганлиги тасдиқланди. Сўралган 72 кишининг 9 таси агар инсоннинг юз тузилиши квадрат кўринишига эга бўлганлар кучли, иродали, 17 киши пешонаси катта киши ақлли, 3 киши сочи тикка кишилар енгилмас, бўйсунмас характерга эга. 5 киши бўйи ўртачадан паст кишилар бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга, буйруқ беришга интилувчи кишилар, 5 киши чиройли кишилар ё аҳмоқ ёки ўзини яхши кўрадиган кишилар бўлади деб тасдиқлаган. Бегона кишини идрок қилишда биринчи ахборот, дастлабки тасаввур катта аҳамиятга эга. Кишилар ташқи қиёфаси ҳам муҳим ўрин тутди. Америкалик психологлар томонидан ўтказилган тадқиқот бунга яққол мисол бўла олади. 400 та ўқитувчиларни баҳолаш учун тарқатилган ишларни улар 200 таси ижобий, чиройли, 200 таси салбий хунук, ёқимсиз деб берганлар. Экспертлардан ташқи қиёфасини эмас, балки характерини таърифлаш сўралган эди. Афсуски баҳоларнинг

субъективлиги кишининг ташқи қиёфасини баҳолаш билан боғлиқдир.

**Эмпатия** – инсонинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиш орқали унинг кечинмалари ва ҳиссиётларини тушунишга интилиши. Бунда инсоннинг эмоционал муаммоларига ёндашиши тушунилади. Бу бошқа одам ҳиссиётлари ва кечинмаларига ҳамдард бўла олишдир. Бир томондан объектни тушунишда уни ўрнига ўзини қўя олиши муҳим бўлса, иккинчи томондан унинг ички ҳиссиётларини тушуниш унга ҳамдард бўла олиш ҳам муҳимдир.

Инсоннинг инсон томонидан идрок этилишида йўналтиришнинг роли каттадир. Бу айниқса инсон ҳақида, номаълум инсон ҳақида илк фикрларни олишда муҳимдир. Бу борада А.А.Бодалевнинг ўтказган тадқиқотлари ниҳоятда аҳамиятлидир. Икки гуруҳ талабаларига бир инсон расми берилди. Биринчи расмда берилган инсон жиноятчи деб, иккинчи гуруҳда эса расмдаги киши йирик олим деб эълон қилиниб, уларга портретни ёзма ифодалаш вазифаси берилди. Биринчи ҳолатда қуйидаги тавсифлар берилди, яъни кўзларини ичига кириб кетгани, ички алам, қасосдан узун даҳан бошлаган иши, жумладан жиноятни якунига етказиш қабилар эканлиги қайд этилади.

Иккинчи гуруҳда ичига кирган кўзлари фикрнинг чуқурлиги ҳақида гапириб, бунда узун даҳан қийинчиликларга бардошлилик, иродалилик сифатида баҳоланган.

Келтирилган мулоҳазалардан кўринадики, инсонни инсон томонидан идрок қилинишида ташқи томондан берилаётган кўрсатма, шахснинг бу борадаги билим, кўникма ва малакалари муҳим роль ўйнайди.

Мулоқотнинг қонуниятларини, малака ва қобилиятларининг шаклланишини билиш педагог учун ғоят муҳимдир. Бу тўлақонли педагогик мулоқотни ёки муомалани йўлга қўйишни таъминлайди. Педагогик мулоқот педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсир этиш усуллари йиғиндисидир. Мулоқотнинг мазмуни ахборот алмашиш, ўқитувчи томонидан турли коммуникатив воситалар ёрдамида ўқувчилар билан ўзаро тушуниш ва ўзаро муносабатларни ташкил этишдир. Педагогларнинг тарбиявий ва дидактик вазифаларни ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар жамоаси ўртасида муносабатларни

таъминламай туриб амалга ошириб бўлмайди.

Педагогик фаолиятдаги мулоқат

- ✓ ўқув вазифаларни бажариш воситаси
- ✓ тарбиявий жараёни таъминлашнинг ижтимоий-психологик тизими
- ✓ таълим-тарбия жараёни муваффақиятини таъминловчи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини ташкил қилиш усули

✓ ўқувчининг индивидуал хусусиятларини тарбиялаш жараёни сифатида намоён бўлади.

**Педагогик мулоқот** - бу мулоқотнинг ўқув тарбиявий жараёнларни ҳиссий фони ва восита, мазмунини ташкил этади.

Мулоқот муваффақиятли бўлиши учун у албатта қайта алоқага эга бўлиши, яъни субъект ўзаро таъсир натижалари ҳақида ахборот олиши керак. Коммуникатор ўзи узатган ахборотни реципиент қандай қабул қилишини ва қандай муносабатда бўлаётганлигини қайта ахборот маълумотларига асосланиб билиб олади. Муомалада суҳбатдошни ёки тингловчини идрок этиш бир-бирини тушунишнинг асосий шартидир. Агар ўқитувчи ўқувчиларини қандай идрок этаётганлигини, тушунаётганлигини англай олмаса, педагогик муносабат яхши бўлмайди. Айниқса, маъруза ўтаётганда бу жуда муҳимдир.

### **Назорат саволлари**

1. Мулоқот тушунчасининг моҳиятини изоҳланг?
2. Мулоқот турларининг моҳиятининг изоҳланг?
3. Мулоқот вазифалари нималардан иборатлигининг кўрсатинг?
4. Мулоқотнинг вербал воситалари нималардан иборат?
5. Мулоқотнинг новербал воситаларига ниалар киради?
6. Мулоқот шахслараро ўзаро таъсир этиш асосий функциялари нималардан иборат?
7. Мулоқот ҳақида тушунча.
8. Мулоқот турлари ва вазифалари.
9. Мулоқотнинг вербал воситалари ва новербал воситалари.
10. Мулоқот шахслараро ўзаро таъсир этиш.

11. Мулоқот инсонларнинг бир-бирини тушуниши.
12. Мулоқот техникаси ва усуллар.
13. Педагогик фаолиятда мулоқот.
14. Тил ва нутқ тушунчаларининг мазмуни.
15. Мулоқот ва муомала тушунчаларининг мазмуни.
16. Идентификация тушунчаларининг мазмуни.
17. Рефлексия тушунчаларининг мазмуни.
18. Стеротипизация тушунчаларининг мазмуни.
19. Новербал воситалар мулоқотда қандай аҳамиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент. 2013
2. Н.Саъдуллаев «Гўзалликнинг сирли олами». Тошкент 1999 й.
3. Ю.Ш.Азларов. Тарбиялаш маҳорати. Тошкент, 1991 йил.
4. Н.И.Ильин. Муомала санъати. Пед.изланиш. И.П. Бажанова. Т. Ўқитувчи 1990 йил.
5. Н.Головин. Основы культуры речи. Москва.1992 йил.

## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

57. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
58. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
59. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
60. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
61. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
62. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
63. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
64. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
65. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
66. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
67. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
68. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
69. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
70. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
71. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
72. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон». –Т.: 2011.-440 б.
73. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
74. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
75. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратadbирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
77. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.

79. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.

80. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.

81. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.

82. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.

83. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент. 2013

84. Н.Саъдуллаев «Гўзалликнинг сирли олами». Тошкент 1999 й.

85. Ю.Ш.Азларов. Тарбиялаш маҳорати. Тошкент, 1991 йил.

86. Ижодкор ўқитувчилар изидан. Тошкент. 1989 йил.

87. Ижодкор ўқитувчилардан сабоқ. Тошкент. 1989 йил. Ж.Г.Йўлчиев.

88. Н.И.Ильин. Муомала санъати. Пед.изланиш. И.П. Бажанова. Т. Ўқитувчи 1990 йил.

89. Ижодкор ўқитувчилар изидан. Т. 1989 й.

90. Аждодлар ўғити. Хикматлар, хикоялар. Тошкент. Чўлпон нашриёти. 1991 й.

91. Кайковус. Қобуснома. Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1973 й.

92. Муомала тренинги. Тошкент 1994 й.

Т.Қурбонов «Одобнома»Ўқитувчи 1995- йил 43-59 бетлар.

93. «Одоб бўстони ва ақл гулистони.» Тошкент. Фан нашриёти 1994 йил 108-127 бетлар.

94. Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1992 й.

95. Донишмандлар тарбия хусусида. Тошкент 1982

96. Р.Маҳмудов. Девонимниулусга марғубот. 1992 й. 15-17 бет.

97. С.Иномхўжаев. бадий ўқиш асослари. Тошкент.1973 й.

98. С.Иномхўжаев., Л.Хўжаева Бадий сўз санъати. Тошкент.1972 й.

99. С.Иномхўжаев. Ифодали ўқишнинг назарий асослари. Тош.1972 й.

100. Ш.Азаров. тарбиялаш маҳорати. Тошкент. 1991 й.

101. Н.Головин. Основы культуры речи. Москва.1992 йил.

102. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.

103. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.

104. Сериков В. В. Обучение как вид педагогической деятельности: учебное пособие для вузов / В. В. Сериков; под ред. В. А. Сластенина, И. А. Колесниковой. – М.: Академия, 2008.

105. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.

106. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006.

107. Adam, R. The Process of Educational Innovation I R. - Lnd, 1991.

108. Bassett G. Innovation in Primary Education. - Lnd: 1992.

109. Beverly D. Inquiry Based Teacher Education / D. Beverly, D. Shaklee, K. Cushner II. Педагогическое образование для XXI века. - М.: 1994.

110. Blan W.E. Handbook for developing Competency-Based Training Programs I W.E. Blank. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002.

111. Chambers W.N. Creative Scientist of Today I W.N. Chambers II Science. -L.: 1994. - Vol. 145.

112. Cowen E.L. Stress Reduction and Problem-Solving Rigidity I EX. Cowen II J. Consult. Psychol. - N. Y: 1992. - Vol. 16.

### **Интернет маълумотлари**

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

19. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

20. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

21. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

22. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>

23. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

24. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

25. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

26. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

27. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

28. [www.grain. Ru](http://www.grain.Ru)

29. [www.plant protection.com](http://www.plant protection.com)

30. [www.alias.ru](http://www.alias.ru).

31. [www.chemistry.ru](http://www.chemistry.ru)

[www.mmlab.ru](http://www.mmlab.ru)